

---

## ТОШКЕНТДА БҮЛИБ ЎТАЁТГАН БОКС БҮЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ ФАРҒОНАЛИК БОКСЧИЛАР ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАЛАР БИЛАН БОШЛАДИЛАР

30 апрель куни Тошкентда бошланган бокс бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз сафида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган фарғоналик боксчилар мусобақани ишончли ғалабалар билан бошладилар.

- 48 кг вазнда иштирок этаётган Шодиёр Мелиқўзиев ЖЧдаги илк жангини непаллик Рабин Тапага қарши ўтказди ва 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Навбатдаги жангда Шодиёр қозоғистонлик боксчи, катталар ўртасида Осиё чемпиони, ёшлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони Санжар Ташкенбайга қарши рингга кўтарилади.

- 92 кг вазн тоифасида чемпионатнинг иккинчи туридан мусобақага киришган Лазизбек Муллојонов ҳам колумбиялик Марло Хартадо устидан 5:0 ҳисобида ишончли ғалабага эришди. Лазизбекнинг галдаги рақиби бу турда туркиялик Берат Ажар устидан ғалаба қозонган грузиялик боксчи Георгий Чихладзе бўлади.

- 67 кг вазндан яна бир фарғоналик боксчимиз Асадхўжа Мўйдинхўжаев тўғридан тўғри иккинчи турдан мусобақага киришади. Унинг дастлабки рақиби илк турда польшалик Оливер Сзотни нокаут билан енгган япониялик чарм қўлқоп устаси Юто Вакита бўлади.

Жами 13 та вазн тоифасида ўтказилаётган чемпионатда жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан келган бокс жамоалари вакиллари иштирок этмоқдалар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-05 16:54:12